

Илова 2.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Олий таълим муассасаси

**Олий таълим муассасалари
кафедраларида иш юритиш тизимини
такомиллаштириш юзасидан**

Ҷ Ү Р И Қ Н О М А

Тошкент 2016

**Олий таълим муассасаларининг кафедраларида иш юритиши тизимини
такомиллаштириш юзасидан**

ЙЎРИҚНОМА

Йўриқнома олий таълим муассасаси Ўқув-услубий Кенгашининг 2016 йил 27 августдаги мажлисида муҳокама қилинган ва маъқулланган. (1-сонли баённома).

I. Умумий қоидалар

1.1. Кафедра - Олий таълим муассасаси ёки факультет тузилмасининг таркибий қисми бўлиб, унда бир ёки бир неча турдош фанлар бўйича ўқув-услубий, илмий-услубий, илмий тадқиқот ишлари шунингдек илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда ташкилий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар амалга оширилади.

1.2. Кафедра бевосита факультет деканига ёки Олий таълим муассаса ректорига бўйсунади.

1.3. Кафедра Олий таълим муассаса Илмий Кенгашининг қарори асосида ташкил этилади ва тугатилади.

1.4. Кафедра умумий ва маҳсус фанларни ўқитиш учун камида 7 та профессор ўқитувчи, улардан бири фан доктори илмий даражаси ёки профессор илмий увононига ва камида иккитаси фан номзоди илмий даражаси ёки доцент илмий увононига эга бўлганда ташкил этилади.

1.5. Кафедра ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг хужжатлари ва Олий таълим муассаса устави асосида ташкил этади.

II. Кафедранинг асосий вазифалари

Кафедранинг вазифалари:

2.1. Барча ўқув шакллари бўйича Олий таълимнинг ДТС (Давлат таълим стандартлари)ларига мувофиқ тузилган ўқув режаларида белгиланган

- маърузалар;
- амалий машғулотлар;
- лабараториялар ва бошқа турдаги машғулотларни юксак назарий, илмий услубий ва касбий даражада ўтказиш;

2.2. Талабаларнинг малакавий амалиётига, курс лойиҳаларига, битирув малакавий ишларига, магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилиш, талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг назоратини жорий этиш ва мустақил ишларни ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиш;

2.3. Кафедра фанлари бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқка тақдим этиш, шунингдек, турдош кафедралар томонидан тайёрланган ўқув дастурларига тақриз ва хulosалар тайёрлаш;

2.4. Дарслик, ўқув қўлланма, услубий ва методик кўрматмаларни тайёрлаш;

2.5. Иқтидорли талабалар билан ишлаш, уларни олимпиада ва танловларда иштирок этишга тайёрлаш;

2.6. Белгиланган тартибда профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишни ташкил этиш ҳамда уларнинг Республика ва халқаро илмий анжуманларда маърузалар билан иштирок этишини таъминлаш;

2.7. Тасдиқланган режага мувофиқ илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, тугалланган илмий тадқиқот ишларини муҳокамадан ўтказиш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, таълим фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

2.8. Бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш, шунингдек илмий-техникавий ёрдам кўрсатиш мақсадида саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналари, кооперативлар, дехқон, фермер ва бошқа хўжаликлар билан алоқа ўрнатиш;

2.9. Олий ўқув юртини битирганлар ва мазкур кафедрада стажёр-тадқиқотчи-изланувчиликни ўтаганлар мониторингини олиб бориш ҳамда улар билан мунтазам алоқаларни ташкил этиш;

2.10. Хорижий ҳамкорлик, илмий ва таълим муассасалари билан халқаро алоқаларни ривожлантириш ва ҳакозолар.

III. Кафедранинг иш фаолияти

3.1. Кафедранинг йиллик иш режаси бўлиши, режада ўқув йили давомида профессор-ўқитувчилар томонидан амалга ошириладиган ишлар тўла қамраб олиниши лозим;

3.2. Кафедранинг иш режасида кафедра мажлиси бир ойда камида икки марта ўтказилиши белгиланган бўлиши, унинг кун тартиби ва ўтказилиш санаси акс этиши лозим;

3.3. Кафедрада ўтказилган мажлис кун тартибидаги ҳар бир масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиниши ва мажлис баённомасида қайд қилиниши лозим.

IV. Кафедра таркиби ва тузилмаси

4.1. Кафедра таркиби профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар, ўқитувчилар, ассистентлар, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар, катта илмий ходим-изланувчилар ва ўқув ёрдамчи ходимларни бирлаштиради;

4.2. Кафедра аъзолари Олий таълим муассаса Уставида кўрсатилган хукуқлардан фойдаланадилар ва мажбуриятларни бажарадилар;

4.3. Кафедра қошида ўқув ва илмий лабораториялар, услубий хоналар, тўгараклар ва бошқа тузилмалар ташкил этилиши мумкин;

4.3. Кафедра тузилмаси ва штатлари Олий таълим муассаса ректорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Кафедранинг иш фаолияти учун зарур йиғма жиллар ва улардаги хужжатлар рўйхати

1-йиғма жилд. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари;

2- йиғма жилд. Низомлар ва йўриқномалар;

3- йиғма жилд. Буйруқлар;

4- йиғма жилд. Кафедра режалари;

5- йиғма жилд. ОТМ Кенгаши қарорлари;

6- йиғма жилд. Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ДТСлари;

7- йиғма жилд. Ўқув режалар;

8- йиғма жилд. Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари намунавий фан дастурлари;

- 9- йиғма жилд.** Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ишчи фан дастурлари;
- 10- йиғма жилд.** Талабалар тўғрисида маълумот;
- 11- йиғма жилд.** Фанлар бўйича рейтинг назоратлари жадвали ва рейтинг назоратлари натижалари;
- 12- йиғма жилд.** Ўқув юкламалари;
- 13- йиғма жилд.** Илмий ишлар;
- 14- йиғма жилд.** Иқтидорли талабалар билан ишлаш;
- 15- йиғма жилд.** Кафедранинг ҳамкорлик алоқалари;
- 16- йиғма жилд.** Битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари мавзулари жамғармаси;
- 17- йиғма жилд.** Топшириклар ва ижро;
- 18- йиғма жилд.** Профессор-ўқитувчилар ва ходимлари тўғрисида маълумот;
- 19-йиғма жилд.** Мустақил изланувчи ва катта илмий ходим-изланувчилар тўғрисида маълумот;
- 20- йиғма жилд.** Амалиёт;
- 21- йиғма жилд.** Баённомалар;
- 22- йиғма жилд.** Хисоботлар.

**1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси
Президенти фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари**

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни;
- 1.2. Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури (1997 йил 29 август);
- 1.3. Олий таълим муассасасини ташкил этиш тўғрисидаги тегишли қарор ёки фармойиш;
- 1.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги “Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сон қарори;
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасаларида педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 20-сон қарори;
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида” 190-сон қарори;
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасига тегишли қарорлари ва кўрсатмалар;
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 12 -сонли қарори.

2. Низомлар

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим соҳасига тегишли Низомлари;
- 2.2. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси;
- 2.3. “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом;
- 2.4. “Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида”ги Низом;
- 2.5. Олий таълим муассасининг Устави;
- 2.6. Факультет Низоми;
- 2.7. Кафедра Низоми;
- 2.8. Олий таълим муассаса талабаси билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш бўйича йўриқнома;
- 2.9. Олий таълим муассаса соатбай фондини режалаштириш ва тақсимлаш тартиби тўғрисида йўриқнома;
- 2.10. Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом (2010 йил №118-сонли);
- 2.11. Олий таълим муассаса ички тартиб-қоидалари.

3. Буйруқлар

- 3.1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таълим соҳасига тегишли буйруқлари;
- 3.2. Олий таълим муассаса (ёки филиал директорининг) ректорининг буйруқлари;
- 3.3. Факультет деканининг буйруқлари ва фармойишлари.

4. Кафедра режалари

- 4.1. Кафедранинг юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ўқув, ўқув-методик, маънавий-маърифий, илмий тадқиқот фаолиятлари бўйича истиқболли режаси;
- 4.2. Кафедранинг ўқув йили учун иш режаси;
- 4.3. Кафедранинг илмий-методик семинар режаси;
- 4.4. Кафедранинг ўқув ва илмий фаолият учун асбоб ва анжомларга буюртма режаси;
- 4.5. Кафедранинг йиллик нашр режаси;
- 4.6. Кафедрада ўтказиладиган очик дарслар режаси;
- 4.7. Ўзаро дарсларга қатнашиш режаси

5. Илмий Кенгаш қарорлари

- 5.1. Олий таълим муассаса Кенгashi қарорлари ва ижроси;
- 5.2. Факультет Кенгashi қарорлари ва ижроси.

6. Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахassisликлари ДТСлари

- 6.1. Бакалавриат таълим йўналишлари Давлат таълим стандартлари;
- 6.2. Магистратура мутахassisликлари Давлат таълим стандартлари.

7. Ўқув режалар

- 7.1. Бакалавриат таълим йўналишлари учун намунавий ўқув режалар;
- 7.2. Бакалавриат таълим йўналишлари учун ишчи ўқув режалар;
- 7.3. Магистратура мутахассисликлари учун намунавий ўқув режалар;
- 7.4. Магистратура мутахассисликлари учун ишчи ўқув режалар.
- 7.5. Клиник ординатура мутахассисликлари учун намунали ўқув режалар
- 7.6. Клиник ординатура мутахассисликлари учун ишчи ўқув режалар

8. Бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари намунавий фан дастурлари

- 8.1. Кафедрага тегишли фанлар бўйича бакалавриат таълим йўналишининг намунавий ўқув дастурлари;
- 8.2. Кафедрага тегишли фанлар бўйича магистратура мутахассисликлари намунавий ўқув дастурлари;
- 8.3. Кафедрага тегишли фанлар бўйича клиник ординатура мутахассисликлари намунавий ўқув дастурлари;

9. Бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ишчи фан дастурлари

- 9.1. Кафедрага тегишли фанлар бўйича бакалавриат таълим йўналишининг ишчи ўқув дастурлари;
- 9.2. Кафедрага тегишли фанлар бўйича магистратура мутахассисликлари ишчи ўқув дастурлари.
- 9.3. Кафедрага тегишли фанлар бўйича клиник ординатура мутахассисликлари ишчи ўқув дастурлари.

10. Талабалар тўғрисида маълумот

- 10.1. Кафедрада битирув малакавий ишини бажараётган талабалар рўйхати ва уларнинг шахсий ва рақаси;
- 10.2. Талабаларнинг давомати ҳақида маълумот;
- 10.3. Кафедрага биринчирилган магистратура талабалари рўйхати ва уларнинг шахсий ва рақалари;
- 10.4. Магистратура талабаларнинг шахсий иш режалари ва ҳисоботлар;
- 10.5. Бакалавриат таълим йўналишлари талабалар рўйхати;
- 10.6. Магистратура талабаларнинг тақсимоти ва иш жойлари тўғрисида маълумот;
- 10.7. Илмий грантлар, ЎзРАНИНГ илмий текшириш институтларида илмий грантларда қатнашаётган иқтидорли талабалар тўғрисида маълумот (мавзуси, илмий раҳбари ва ҳоказо);
- 10.8. "Устоз-шогирд" тизимида тегишли маълумотлар;
- 10.9. Ўқув интизоми, ички тартиб-қоидалар тўғрисида талабалар билан ўтказилган тадбир натижалари, ариза, билдиришнома, тушунтириш хатлари ҳамда кўрилган чора тадбирлар тўғрисида маълумот;
- 10.10. Талабаларга тегишли фанлар бўйича ўзлаштириш қайдномалари;
- 10.11. Хорижий талабалар тўғрисида маълумот.
- 10.12. Клиник ординатурада ўқиётганлар тўғрисидаги маълумот

11. Фанлар бўйича рейтинг назоратлари жадвали ва рейтинг назоратлари натижалари

- 11.1. Фанлар бўйича рейтинг назоратлари жадвали;
- 11.2. Рейтинг назоратлари натижалари;
- 11.3. Рейтинг назоратлари натижалари муҳокамаси ва белгиланган тадбирлар.

12. Ўқув юкламалари

- 12.1. Олий таълим муассаса профессор-ўқитувчиларининг ўқув, маънавий-маърифий, ўқув услубий ва илмий тадқиқот ишларининг ҳисоб дафтари (йиллик юклама);
- 12.2. Ҳар бир ўқув йили учун ўқув бўлими томонидан тасдиқланган ўқув соатлари, штатлар ҳисоб китоби.

13. Илмий ишлар

- 13.1. Кафедранинг илмий мактабига тегишли маълумот;
- 13.2. Кафедрада грантлар асосида олиб бориладиган илмий-тадқиқот мавзуларига тегишли маълумотлар;
- 13.3. Илмий-тадқиқот натижаларига тегишли маълумотлар;
- 13.4. Илмий мақолалар тўғрисидаги маълумотлар.

14. Иқтидорли талабалар билан ишлаш

- 14.1. Иқтидорли талабалар ва уларнинг шахсий варақлари;
- 14.2. Иқтидорли талабаларнинг илмий мавзулари ва илмий раҳбарлари ҳақида маълумот;
- 14.3. Иқтидорли талабаларнинг йиллик иш режаси ва хисботлари.

15. Кафедранинг ҳамкорлик алоқалари

- 15.1. Ўзаро ҳамкорликда кадрлар тайёрлашга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси институтлари ҳамда ташкилотлар билан тузилган шартномалар;
- 15.2. Халқаро шартномалар;
- 15.3. Республика Олий таълим муассасалари билан тузилган шартномалар;
- 15.4. Академ лицейлар ва касб-хунар коллажлари билан тузилган шартномалар;
- 15.5. Ташкилотларни кафедрада тайёрланаётган магистратура мутахассисларига бўлган эҳтиёжи бўйича юборган расмий буюртмалари (5 йиллик истиқболли буюртмалар);
- 15.6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси институтларининг кадрлар тайёрлаш бўйича қабул килган кўшма қарори ҳамда Олий таълим муассасаси ректорининг ушбу масалага тегишли буйруғи ва шу буйруққа асосан кафедранинг ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари.

16. Битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари мавзулари жамғармаси

- 16.1. Тасдиқланган битирув малакавий ишларнинг рўйхати;
- 16.2. Тасдиқланган магистрлик диссертациялари рўйхати;

16.3. Кафедрага тегишли илмий тадқиқот йўналишлари бўйича талабаларга тавсия этиладиган малакавий битирув ишлари мавзулари мажмуаси;

16.4. Кафедрага тегишли илмий тадқиқот ишлари бўйича магистратура талабаларига тавсия этиладиган магистрлик диссертациялари мавзулари мажмуаси;

16.5. Ўқув режада режалаштирилган фанлар бўйича тавсия этиладиган курс ишлари мавзулари тўғрисида маълумот;

16.6. Кейинги уч йилда битирган талабаларнинг малакавий битирув ишлари ва магистрлик диссертациялари мавзулари, илмий раҳбарлари ва расмий оппонентлари тўғрисида маълумот;

16.7. Битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларининг ҳимояси натижалари.

17. Топшириқлар ва ижро

17.1. Факультет деканининг топшириклари, кўрсатмалари;

17.2. Ташкилотлардан келган расмий хатлар ва ижроси;

17.3. Кафедрадан юборилган хатлар нусхаси ва уларнинг натижаси.

18. Профессор-ўқитувчилар ва ходимлар тўғрисида маълумот

18.1. Профессор-ўқитувчилар ва ходимлар рўйхати;

18.2. Малака оширганлигини тасдиқловчи ҳужжатлардан нусха;

18.3. Профессор-ўқитувчиларнинг барча фаолиятларига тегишли маълумотлар базаси;

18.4. Профессор-ўқитувчиларнинг маълумотига, илмий даража ва увонларига тегишли дипломлардан нусха;

18.5. Профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаси;

18.6. Профессор-ўқитувчиларни ўқув йили давомида тўплаган рейтинг баллари;

18.7. Малакаси оширадиган профессор-ўқитувчилар рўйхати;

18.8. Қайта тайёрлашдан ўтадиган профессор-ўқитувчилар рўйхати;

18.9. Малака ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтганлик ҳақида гувоҳнома нусхаси.

19. Мустақил изланувчи ва катта илмий ходим-изланувчилар

19.1. Мустақил изланувчилар рўйхати ва шахсий вараклари;

19.2. Катта илмий ходим-изланувчилар рўйхати ва шахсий вараклари;

19.3. Мустақил изланувчиларнинг тасдиқланган мавзуси ва иш режаси;

19.4. Катта илмий ходим-изланувчилар тасдиқланган мавзуси ва иш режаси;

19.5. Мустақил изланувчилар, катта илмий ходим-изланувчилар ҳисоботлари.

20. Амалиёт

20.1. Магистратура талабаларининг “Илмий педагогик иш” ва илмий тадқиқот иши тўғрисидаги маълумот (дастур);

20.2. Бакалавриат талабалари учун малакавий амалиёт тўғрисида маълумот (дастур);

20.3. Бакалавриат талабаларининг малакавий амалиёт бўйича ҳисботи;

20.4. Магистратура талабаларининг илмий-педагогик ва малакавий амалиётидаги фаолиятлари бўйича ҳисботи.

21. Баённомалар

- 21.1. Кафедра мажлиси баённомасидан кўчирмалар;
- 21.2. Очиқ маъruzаларнинг натижасига тегишли баённомалар;
- 21.3. Кафедра мажлиси ва илмий семинарларнинг қўшма мажлиси баённомасидан кўчирмалар;
- 21.4. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Олий таълим муассаса ва факультет мажлисларининг кафедрага тегишли баённомаларидан кўчирма.

22. Ҳисоботлар

- 22.1. Кафедранинг ўқув, ўқув-методик, илмий тадқиқот, маънавий-маърифий ишлари бўйича ҳисботи;
- 22.2. Профессор-ўқитувчиларнинг хизмат сафари натижаси бўйича ҳисбот;
- 22.3. Кафедрада профессор-ўқитувчиларининг йиллик ҳисботи;
- 22.4. Танловдан ўтиши режалаштирилган профессор-ўқитувчиларнинг ҳисботи;
- 22.5. Илмий тадқиқот ишларига тегишли ҳисбот;
- 22.6. Ички аттестацияга тегишли ҳисботлар;
- 22.7. Кафедранинг йиллик ҳисботлари;
- 22.8. Бошқа турдаги ҳисботлар.

Кафедрада мавжуд бўлиши керак бўлган стендлар

1. Ўқув жараёни;
 2. Ахлоқий-тарбия ва маънавий-маърифий ишлар;
 3. Илмий-тадқиқот ишлари;
 4. Ўқув-услубий ишлар;
 5. Маълумотлар. Хабарлар. Эълонлар;
 6. Кафедра аъзолари;
- Стендлардан профессор-ўқитувчилар, талабалар ва ташриф буюрувчилар кафедра тўғрисида умумий тасаввурга ҳамда қисқача маълумотлар олиш имкониятига эга бўлиши керак.

1. Ўқув жараёни

- 1.1. Ўқув жараёни акс этган фотолавҳалар;
- 1.2. Кафедранинг дарс жадвали;
- 1.3. Кафедрада ўқитилиладиган фанларнинг рўйхати;
- 1.4. Фанлар бўйича талабалар билимини баҳолаш мезонлари;
- 1.5. Очиқ дарслар жадвали;
- 1.6. Фан мавзуларига қўлланиладиган янги педагогик технологияларнинг мос турлари номи ва унинг қисқача изохи;
- 1.7. Профессор-ўқитувчиларга ўқув йилида тақсимланган дарс соатлари тўғрисида маълумотлар.

2. Ахлоқий-тарбия ва маънавий-маърифий ишлар

- 2.1. Маънавий-маърифий соҳада амалга оширилган ишлардан фотолавҳалар;
- 2.2. “Устоз-шогирд” тизими асосида олиб бориладиган ишлар мазмуни ва бу жараёнга бириктирилган талабалар ҳамда профессор-ўқитувчилар рўйхати;

- 2.3. Талабаларнинг дарсдан бўш вақтларини самарали ташкил этишга йўналтирилган тўгараклар ва фан клубларининг фаолияти;
- 2.4. Кафедра томонидан ўқув йили семестрида ўтказиладиган маънавий-маърифий ишларнинг режаси;
- 2.5. Мутафаккирларнинг кафедранинг илмий йўналиши ва тайёрлайдиган мутахассислигига мос келадиган ҳикматли сўзлари.

3. Илмий-тадқиқот ишлари

- 3.1. Илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқ жараён акс этган фотолавҳалар;
- 3.2. Кафедранинг илмий тадқиқот мавзуси ёки йўналишининг номи;
- 3.3. Профессор-ўқитувчиларнинг грантлардаги иштироки ва бу грантлар ҳақида қисқача маълумот (ёпиқ мавзудаги грантлар тўғрисида маълумот берилмайди);
- 3.4. Докторлик диссертациялари ҳамда малакавий битириув ишлари ва магистрлик диссертациялари мавзуларининг рўйхати;
- 3.5. Кафедра билан илмий ҳамкорлик қилувчи ташкилотлар;
- 3.6. Тайёрланадиган кадрларнинг келгусида қандай мутахассис бўлишлари ва қайси соҳаларда фаолият олиб бориши ҳақида маълумот.

4. Ўқув-услубий ишлар

- 4.1. Ўқув адабиётларини яратишга қўйиладиган талаблар;
- 4.2. Кафедранинг нашр режаси;
- 4.3. Профессор-ўқитувчилар томонидан кейинги уч йилда чоп этилган дарсликлар, ўқув қўлланмалар, услубий кўрсатмалар ҳамда илмий мақолалар ҳақида маълумотлар базаси;
- 4.4. Фанлар бўйича асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати.

5. Маълумотлар. Хабарлар. Эълонлар

- 5.1. Фармойишлар, қарорлар, буйруклар;
- 5.2. Соҳага доир интернет маълумотлари;
- 5.3. Турли эълонлар;
- 5.4. Ўтказиладиган кафедра йиғилишларининг кун тартиби ва вақти;
- 5.5. Ўтган ҳафта давомида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот.

6. Кафедра аъзолари

- 6.1. Кафедрада фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, мустақил изланувчилар, катта илмий ходим-изланувчилар, ходимларнинг фото сурати;
- 6.2. “Кафедра кеча, бугун, эртага” рукни остида “Кафедра тарихи”, “Кафедранинг бугунги кундаги ҳолати”, “Кафедранинг келажақдаги истиқболлари ва амалга оширадиган ишлари” ҳақида умумий маълумотлар

Хужжатларнинг сақланиш муддатлари илова қилинди
 Кафедра номенклатурасидаги хужжатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари фаолиятида тузиладиган бошқарув хужжатларининг сақлаш муддатлари кўрсатилган намунавий рўйхати асосида тузилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат архиви 2006 йил. Тошкент.

Хужжатларнинг шартли ракамлари	Хужжатлар номи	Сақлаш муддати ва моддалари	Эслатма
1	2	3	4
314 -21	ЭТИКА ВА ЭСТЕТИКА КАФЕРАСИ		
314-21-01	Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-максус таълим вазирлиги Фармонлари, қонунлари, фармойишлари, буйруқлари (нусхаси)	Зарурат қолмагунча 16-модда 9-модда 25 а-модда	
314-21-02	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта максус таълим вазирлиги хайъати қарорлари ва уларни бажариш тўғрисида ёзишмалар	5 йил 78-модда	
314-21-03	ОТМ ректори, проректорларнинг кафедра ишлари тўғрисида буйруқлар, фармойишлар ва уларни бажариш тўғрисида ёзишмалар (нусхаси)	Зарурат қолмагунча 25а-модда	
314-21-04	Факультет декани фармойишлари (нусхаси)	Зарурат қолмагунча 25а-модда	
314-21-05	Кафедра йиллик режаси	Доим 668-модда	
314-21-06	Кафедра йиллик хисоботи	Доим 6 71-модда	
314-21-07	Кафедра йиғилиш баённомалари	Доим 667-модда	
314-21-08	Кафедра илмий-тадқиқот ишлари режаси	Доим 668-модда	
314-21-09	Кафедра илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳисоботлар	Доим 671-модда	
314-21-10	Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари Давлат таълим стандартлари	Доимий 668-модда	
314-08-09-11	Бакалариат таълим йўналишлари намунавий фан дастурлари	Доимий 668-модда	
314-21-12	Магистратура мутахассисликлари намунавий ишчи фан дастурлари	Доимий 668-модда	
314-21-13	Кафедрага оид фанларнинг намунавий ўқув дастурлари	Доимий 668-модда	
314-21-14	Кафедрага оид фанларнинг ишчи ўқув дастурлари	Доим 668-модда	
314-21-15	Тест олинувчи машғулотлар, назорат ишлари ва рейтингларига оид хужжатлар (вариантлар, топшириқлар ва жавоблар)	5 йил 685-модда	
314-21-16	Талабаларнинг амалиёти бўйича ҳисоботлар	3 йил 708-модда	
314-21-17	Кафедра ўқитувчиларнинг иш фаолияtlари ҳақида ҳисоботлари	5 йил 673-модда	
314-21-18	Кафедрага оид йиллик ўқув юкламаси ва унинг тақсимоти	3 йил 669-модда	
314-21-19	Таянч ташкилотлари билан хамкорлик тўғрисида	3 йил	Шартнома

	шартномалар	362-модда	муддати тугагандан сўнг
314-21-20	Ўқитувчиларнинг шахсий иш режалари	5 йил 670-модда	
314-21-21	Кафедра ташқи алоқалари бўйича хужжатлар	5 йил ЭТК 413-модда	
314-21-22	Амалиётлар бўйича хужжатлар (талабномалар, дастурлар, ёзишмалар)	1 йил 706-модда	
314-21-23	Магистратура ва бакалавриат таълим йўналишлари фанларининг ишчи дастурлари	3 йил 722-модда	
314-21-24	Ўқитувчилар ўқув услубий мажмуаси	10 йил ЭТК 677-модда	
314-21-25	Иқтидорли талабалар билан ишлаш тўғрисидаги хужжатлар	3 йил 650-модда	
314-21-26	Рейтинг синовлар, имтиҳонлар қайдномалари (ОБ, ЖБ, ЯБ)	5 йил 696-модда	
314-21-27	Курс лойиҳалари ва ишлари	2 йил 688-модда	
314-21-28	Бакалавриат талабаларнинг квалификация битирув ишлари, уларга тақризлар	3 йил 689-модда	Мукофотлар билан тақдирланган ишлар доим
314-21-29	Магистрлик диссертациялари	3 йил 690-модда	
314-21-30	Магистратура талабаларига оид хужжатлар (шахсий топшириқ, режа, аттестация натижалари, ҳисоботлар)	75 йил 728-модда	
314-21-31	Мустакил изланувчи ва катта илмий ходим – изланувчиларга оид хужжатлар (шахсий топшириқ, режа, аттестация натижалари, ҳисоботлар)	Доим 720-модда	
314-21-32	Таълим тарбия ва услубий ишларни ташкил этиш ва ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш, дарсликлар ва ўқув қулланмаларини нашрга тайёрлаш хакидаги ёзишмалар	5 йил 679-модда	
314-21-33	Уқитувчиларнинг фанлар буйича календар режаси ва бажарилиши	3 йил 668 б-модда	
314-21-34	Ўқитувчиларнинг очик дарслар ва ўзаро дарсга кириш режаси ва уларнинг таҳлили	5 йил ЭТК 715-модда	
314-21-35	Битирувчиларни ишга жойлаштириш мониторинги тўғрисида маълумотлар	3 йил	
314-21-36	Кафедра хужжатлари йигмажилд рўйхати	5 йил 109б-модда	
314-21-37	Архивга топшириладиган хужжатлар рўйхати	Доимий 129-модда	Ташкилотлар тугатилгач, давлат сақланувига ўtkазилади

Ўқитувчи папкасида бўлиши зарур бўлган хужжатлар

1. Ўқитувчининг шахсий иш режаси;
2. Дарс жадвали (Факультет, курс, груп, ўқитувчиси ва машғулот ўтиш муддатлари билан);
3. Календар тематик режа (амалий машғулотлар ва маъruzалар);
4. Ўқитувчи журнали;
5. Таълим йўналиши ишчи ўқув режаси (Ўқув бўлимидан олинади);
6. Проректор, декан ва кафедра мудири томониждан тасдиқланган, услугбий кенгашда мухокама қилинган фан бўйича Ишчи ўқув дастур (Мазкур ўқув йили учун);
7. Ўзаро дарсларга кириш жадвали;
8. Қайта топширишларни қабул қилиш жадвали;
9. Фан бўйича мажмуанинг электрон шакли (дискда);
10. Оралий ва Якуний назорат саволлари мажмуаси;
11. Кафедранинг Рейтинг низоми, ТМИ низоми.